

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”**

Тармоқ маркази директори

\_\_\_\_\_ О.А.Хасанов

2016 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

**“Тасвирий ва амалий санъатда анъанавий ва замонавий  
услуглар” модули бўйича**

**ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

**Малака ошириш курси йўналиши: Тасвирий ва амалий санъат (турлари бўйича)**

**Тингловчилар контингенти: Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари**

**Тошкент – 2016**

Модулнинг ишчи ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2016 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_даги \_\_\_-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчилар:** К.Бехзод номидаги МРДИ “Маҳобатли рангасвир” кафедраси профессори

Худайберганов Рустам Адамбаевич

**Такризчилар:** Жанубий Корея Республикаси Конгук университети профессори, PhD Kim In Og

К.Бехзод номидаги МРДИ “Маҳобатли рангасвир” кафедраси профессори

Бекмиров Чори Джумаевич

Ишчи ўқув дастури ЎзДСМИ хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази мажлисида маъқулланган (2016 йил \_\_\_\_\_ - сонли баённомаси).

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПФ - 4732 - сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Дастур доирасида берилган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

“Тасвирий ва амалий санъат” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Тасвирий ва амалий санъат” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Тасвирий ва амалий санъатда анъанавий ва замонавий услублар” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- тасвирий ва амалий санъатнинг замонавий концепциясини;
- тасвирий ва амалий санъатда эмоционал таъсирчанликни;
- тасвирий ва амалий санъатнинг эстетик жиҳатларини ва бадиийликни;
- тасвирий ва амалий санъатда шакллар уйғунлиги ва яхлитлигини;
- рангтасвирда реалистик мактабнинг ўрнини;
- тасвирий ва амалий санъатнинг ривожланиш босқичларини;
- тасвирий ва амалий санъатда анъанавий ва замонавий услубларни;

- тасвирий ва амалий санъатнинг ривожланиш босқичларини;
- композиция фанини ўқитишда инновацияларни;
- тасвирий ва амалий санъатнинг кўринишларини;
- тасвирий ва амалий санъатнинг яхлитлиги ва умумий колорити тизимини;

• тасвирий ва амалий санъат соҳасидаги долзарб масалаларни **билиши** керак.

#### **Тингловчи:**

- тасвирий ва амалий санъатда содир бўлаётган ўзгаришлар ва уларнинг ижобий натижаларини педагогик фаолиятга тадбиқ этиш;
- тасвирий санъатда инсон қиёфасининг мураккаб тасвирини ифодалаш;
- тасвирий ва амалий санъатда асрлар мобайнида шаклланган анъаналарга риоя этиш ва улардан фойдаланиш;
- тасвирий санъатда композицион ечим масалаларини ёритиш;
- тасвирий ва амалий санъатдаги модернизация ва ўзгаришларни, мазмун-моҳиятини еткази билиш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- йўналиш ва оқимлардаги услублардан амалда фойдаланиш;
- тасвирий ва амалий санъат бўйича хорижий тилдаги манбалардан фойдаланиш;
- тасвирий ва амалий санъатда умумий яхлитлигига эришиш;
- мумтоз ва замонавий усулларда рангтасвир композицияси ишлаш;
- тасвирий ва амалий санъатида ижодий жараёнлар, технологиялар ва инновацияларни қўллаш;
- тасвирий ва амалий санъатига оид асарларни замонавий усулларда ишлаш бўйича малакаларига эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

- тасвирий санъатда янги композицион ғоялар устида ишлаш;
- тасвирий ва амалий санъатда ижодий тафаккур юритиш ва бадиий талқин этиш;
- тасвирий ва амалий санъатнинг эстетик жиҳатлари ва бадиий дидни ривожлантириш;
- тасвирий ва амалий санъатда йўналиш ва оқимларни ижодий ривожлантириш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

## **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Тасвирий ва амалий санъатда анъанавий ва замонавий услублар” курси маъруза ва амалий машғулот, кўчма машғулот ҳамда мустақил таълим шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот - коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, бирор бир асарни тасвирлаш каби усуллари қўллаш назарда тутилади.

- кўчма машғулотда Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Амалий санъат музейи, Бадиий академия кўрғазмалар зали, Замонавий санъат галереяга ташриф буюрилади ва бирор бир асар танланади. Танланган асарлар машғулотлар сўнгида таҳлил қилинади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Тасвирий ва амалий санъатда анъанавий ва замонавий услублар” модули мазмуни ўқув режадаги “Арт маркетинг”, “Шакл тасвири психологияси ва идрок қилиш назарияси” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар тасвирий ва амалий санъатида янги композицион ғоялар устида ишлаш, ижодий тафаккур юритиш ва бадиий талқин этиш, тасвирий ва амалий санъатнинг эстетик жиҳатлари ва бадиий дидни ривожлантириш, йўналиш ва оқимлардаги (классик-модерн) услубларини ижодий ривожлантиришга доир касбий компетенцияларига эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			Жами	жумладан			
				Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Тасвирий ва амалий санъатнинг ўзига хослиги.	2	2	2			
2.	Тасвирий ва амалий санъатда рангтасвирнинг ривожланиш босқичлари.	10	8	2	6		2
3.	Рангтасвирнинг турли (икки ва уч ўлчамлилик) декоратив безаклилик, кўринишларида психологик таъсирчанлик ва бадиийлик.	8	8	2	6		
4.	Рангтасвирда ижодий тафаккур юрита олиш ва бадиий талқин эта олиш.	10	8	2	4	2	2
<b>Жами:30</b>		<b>30</b>	<b>26</b>	<b>8</b>	<b>16</b>	<b>2</b>	<b>4</b>

### НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

#### 1-мавзу: Тасвирий санъатда реалистик мактабнинг ўрни. (2 соат)

Тасвирий санъатнинг замонавий концепцияси ва ўзига хос хусусиятлари. Тасвирий санъатнинг эстетик жиҳатлари ва бадиийлик. Тасвирий санъатнинг психологик таъсирчанлиги.

#### 2-мавзу: Тасвирий ва амалий санъатда рангтасвирнинг ривожланиш босқичлари. (2 соат)

Рангтасвирда анъанавий ва замонавий услублар. Рангтасвирда психологик таъсирчанлик. Рангтасвирнинг эстетик жиҳатлари ва бадиий дидни ривожлантириш. Инновацион педагогик технологиялардан

фойдаланилган ҳолда дарслар олиб борилади: слайдлар, альбомлар, видеофильмлардан фойдаланилади.

**3-мавзу: Рангасвирнинг турли (икки ва уч ўлчамлилик) декоратив безаклилик, кўринишларида психологик таъсирчанлик ва бадийлик.**

**(2 соат)**

Рангасвирни ривожланиш тенденциялари. Рангасвирда классицизм. Рангасвирда импрессионизм услублари. Компьютер технологиялари, интернет сайтлари ва репродукциялардан фойдаланиш.

**4-мавзу: Рангасвирда ижодий тафаккур юрита олиш ва бадий талқин эта олиш. (2 соат)**

Рангасвирнинг ижодий услублар. Рангасвирда фикр ва ғоя. Рангасвир асарини ўқиш ва талқин қилиш. Инновацион педагогик технологиялардан фойдаланилган ҳолда дарслар олиб борилади: “Ақлий хужум” технологияси, слайдлар, альбомлардан фойдаланилади.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

**1-амалий машғулот: Тасвирий ва амалий санъатда рангасвирнинг ривожланиш босқичлари. (6 соат)**

Рангасвирда шакл ва қиёфалар чизма тасвирини бажариш. Рангасвирда шакл ва қиёфалар композицияси. Рангасвирда шакл ва қиёфалар образини яратиш. Тингловчиларга учун алоҳида махсус хона, рангасвир ашёлари, мальберт, ҳар хил шакллар ва қиёфалар керак бўлади.

**2-амалий машғулот: Рангасвирнинг турли (икки ва уч ўлчамлилик) декоратив безаклилик, кўринишларида психологик таъсирчанлик ва бадийлик. (6 соат)**

Шакл ва қиёфаларда иссиқ ва совуқ ранглар уйғунлигини яратиш. Рангасвирда образ ва колорит ечими. Бадий асарда ғоя ва фикр ечими. Махсус хона, рангасвир ашёлари, мальберт, ҳар хил шакллар ва қиёфалар керак бўлади

**3-амалий машғулот: Рангасвирда ижодий тафаккур юрита олиш ва бадий талқин эта олиш. (4 соат)**



Рангтасвирда бадиийни асарни ғоявий таҳлил қилиш. Рангтасвирда фикр ва ғоя ечими. Компютер хонаси, слайдлар, графика, фото альбомларда кўрсатилади ва таҳлил қилинади.

### **Кўчма машғулот(2 соат)**

Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Амалий санъат музейи, Бадиий академия кўрғазмалар зали, Замонавий санъат галереяга ташриф буюрилади ва бирор бир асар танланади. Танланган асарлар машғулотлар сўнгида таҳлил қилинади.

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модуль бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модуль бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

### **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш мезони</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Изоҳ</b>
1.	Тест;	2.5	0,5 балл
2.	Бадиий асар танлаш ва уни тасвирлаш;		1 балл
3.	Мустақил иш.		1 балл

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. И.А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. –Т.: 2008. -176 б.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: “Ўзбекистон”. 2011. -440 б.
3. И.А.Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.
4. И.А.Каримов. Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди. Т. “Ўзбекистон”, 2016. – 28 б.
5. И.А.Каримов. Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодир. Т. “Ўзбекистон”, 2016. – 28 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 4732-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли Қарори.

### III. Махсус адабиётлар

1. Булатов С. Тасвирий ва амалий санъат асарларини фалсафий - психологик таҳлили. - Т., 2010

2. Тасвирий ва амалий санъат методикасининг баъзи масалалари. - т., 1975

3. Тасвирий санъат амалиётида педагогларни тайёрлаш.-Т, 2006

4. Блейк В. Как рисовать фигуру человека. 2005. – 165 с.

5. Худайберганов Р.А. Рангшунослик асослари. – Т.: Ғ.Ғулом нашриёти. 2006. – 220 б.

6. Худайберганов Р.А. Композиция. - Т. Шарқ, 2007. – 235 б.

7. Худайберганов Р.А. Маҳобатли рангтасвир техника ва технологияси. - Т.: Фан ва технология нашриёти. - 2015. – 130 б.

8. Муинов О. Рангтасвир. - Т. Шарқ нашрети, 2008. – 195 б.

9. Deborah A. Rockman. The Art of Teaching Art: A Guide for Teaching and Learning the Foundations of Drawing-Based Art. - Oxford University Press, England 2000
10. Andrew Paquette. An Introduction to Computer Graphic for Artist. - Springer Publishing Company, Incorporated, USA 2013
11. Salvatore Greco. Multiple Criteria Decision Analysis: State of the Art Surveys.- Springer - Verlag New York, USA, 2005
12. Paintings: that Changed the World. - Munich. Berlin, London, New York. - 2003.
13. Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. - University of California Press, USA 2004
14. Charles Soulby. Art and Design: Intermediate and Advanced Level (Art & Design GNVQ). – Longman, England 1995
15. Finola Kerrigan, Peter Fraser, Mustafa Ozbiling. Art marketing. - Paperback Germany, 2004.
16. «Art and Design: Intermediate and Advanced Level» Muallif: Klaus Rayhold, Bernhard Graf. - Nashriёт: «Престел Энгланд» Англия, 2003. ISBN(13 рақам): 978 - 3791329864

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
5. [www.dsmi.uz](http://www.dsmi.uz)
6. [www.dsmimarkaz.uz](http://www.dsmimarkaz.uz)
7. [www.natlib.uz](http://www.natlib.uz)

